ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ
КИТОБ ТУМАНИ
ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QASHQADARYO VILOYATI
KITOB TUMANI
HOKIMINING QARORI

180700 Kitob shahar Katta yo'l ko`chasi 32-uy tel: 542–53-07

2020 yil 7 декабр X-2578/12 - son Kitob shahri

Туманнинг марказий кўчалари ҳамда айланма йўлларида автомобиллар қатновини тартибга келтириш, техника хавфсизлигини таъминлаш, тирбандликни олдини олиш мақсадида тегишли йўл белгиларини ўрнатиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуни(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 197-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда)нинг 5,7-моддалари, Ўзбекистон Республикаси "Автомобиль йўллари тўғрисида"ги Қонуни(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 40-сон, 410-модда; 2014 й., 50-сон, 588-модда)нинг 4,7-моддалари, Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда)нинг 6-моддасига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси "Автомобиль йўллари тўғрисида"ги Қонуни раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси (С.Султонов)га:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги"Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 370-сонли қарорининг 1-иловасига мувофиқ:

4Р-23Л "Китоб-Шахрисабз" автомобил йўлининг Истиқлол кўчаси ҳамда Китоб-Бешқазоқ, Санам МФЙ Шаҳрисабз кўчалари билан туташ чорраҳа қисмидан туман марказига кириш жойида 3.4 "Юк автомобилларининг ҳаракатланиши тақиқланган" тақиқловчи ҳамда 7.3.1-7.3.3 қўшимча ахборот йўл белгиларини ўрнатиш;

- 4Р-23Л “Китоб-Шахрисабз” автомобил йўлининг Х.Олимжон кўчаси билан туташ чорраҳа қисмидан туман марказига кириш жойида 3.4 “Юк автомобилларининг ҳаракатланиши тақиқланган” тақиқловчи, 5.30.1-5.30.3 ахборот ишора ҳамда 7.3.1-7.3.3 қўшимча ахборот йўл белгиларини ўрнатиш;

- 4Р-23Л “Китоб-Шахрисабз” автомобил йўлининг Б.И.Йўли кўчаси билан Улуғбек айланма йўли билан туташ чорраҳа қисмидан туман марказига кириш жойида 3.4 “Юк автомобилларининг ҳаракатланиши тақиқланган” тақиқловчи, 5.30.1-5.30.3 ахборот ишора ҳамда 7.3.1-7.3.3 қўшимча ахборот йўл белгиларини ўрнатиш;

- Китоб-Мираки йўлининг Улуғбек МФЙ Жуманазаров кўчаси ҳамда Улуғбек айланма йўли билан туташ чорраҳа қисмидан туман марказига кириш жойида 3.4 “Юк автомобилларининг ҳаракатланиши тақиқланган” тақиқловчи, 5.30.1-5.30.3 ахборот ишора ҳамда 7.3.1-7.3.3 қўшимча ахборот йўл белгиларини ўрнатиш;

- Улуғбек айланма йўлидан Х.Дўстлиги МФЙ Резвонтепа кўчасига кириш жойларида 3.4 “Юк автомобилларининг ҳаракатланиши тақиқланган” тақиқловчи ҳамда 7.3.1-7.3.3 қўшимча ахборот йўл белгиларини ўрнатиш;

Китоб деҳқон бозорига А.Қушчи МФЙ ҳудудидан кириш йўлининг “Мусалламхон” қабристони (улгуржи савдо майдони) олдидан А.Қушчи МФЙ биноси олдигача бўлган масофада 3.28 “Тўхтаб туриш тақиқланган”, 4Р-23Л “Китоб-Шахрисабз” автомобил йўлининг Х.Олимжон кўчаси билан туташ чорраҳа қисмидан Х.Олимжон кўчаси бўйлаб 100 метр масофада 3.28 “Тўхтаб туриш тақиқланган” ҳамда Китоб-Новқат йўлидан туман марказига кириш чорраҳасида “Тик турган сигнал билан” транспорт светофори ўрнатиш вазифалари юклатилсин.

3. Туман ИИБ ЙХХГ (М.Султонов)га:

Мазкур йўл белгиларини ўрнатилиши муносабати билан:

- автомобиллар қатновини тартибга келтириш;

- тирбандликни олдини олиш;

- аҳоли ва техника ҳавфсизлигини таъминлаш ишларида назоратни кучайтирсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари И.Халимов зиммасига юклатилсин.

5. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Туман ҳокими **А.Закиров**